Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг газетаси

29 июль, шанба, 1995 йил
Сотувда эркин нархда. № 145 (1147)

***Виктор ЧЕРНОМИРДИН:***

## «ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ЎЗГАРИШЛАР КИШИНИ ҲАЙРАТГА СОЛАДИ»

Россия Федерацияси ҳукумати Раиси Виктор Черномирдиннинг мамлакатимизга расмий сафари ниҳоятда самарали ўтди.

Ташриф ниҳоясида 28 июлда Тошкент аэропортида юксак мартабали меҳмонни расмий кузатиш маросими бўлди. Шу куни Россия Федерацияси ҳукумати раҳбари Виктор Черномирдин Президент Ислом Каримов ҳамроҳлигида Самарқандга келди.



*СУРАТДА: меҳмонлар Самарқандда.* **Р. НУРИДДИНОВ (ЎзА) олган сурат.**

В. Черномирдиннинг кўҳна ва навқирон Самарқанд билан танишуви буюк мунажжим, олим ва давлат арбоби Мирзо Улуғбекнинг муҳташам ҳайкали пойига гуллар қўйиш билан бошланди. Меҳмонлар Улуғбек қурдирган расадхонани ҳам томоша қилдилар. Россиялик меҳмонларнинг бу зиёратгоҳга келиши бежиз эмасди. Чунки, ҳукуматларимиз ўртасида халқаро радиоастрономик станцияни ташкил этиш борасида имзоланган ҳужжат бобокалонимиз неча асрлар илгари бошлаб берган ишнинг хайрли давомидир.

Меҳмонлар Мирзо Улуғбек ҳаёти, фаолияти ва илмий мероси ҳақида ҳикоя қилувчи музейни зўр қизиқиш билан кўздан кечирдилар.

Россия ҳукумат раҳбари шаҳардаги Сиёб бозорида бўлиб, бу ердаги мўл-кўлчиликдан ҳайратини яширолмади. У Рудакий майдонида тарихий ва замонавий меъморчилик услубида барпо этилаётган биноларни томоша қилди.

Меҳмонлар Регистон ансамблини зиёрат қилдилар.

— Самарқанддаги, қолаверса, бутун Ўзбекистондаги ўзгаришлар сурати кишини ҳайратга солади, — деди В. Черномирдин. — Ўзбекистон ўзининг ҳақиқий ва тўғри йўлини топиб олди.

Россия Бош вазири В. Черномирдин ва делегация аъзолари «Гўри Амир» мақбараси, янги ишга тушган Самарқанд темирйўл вокзали ва «Шарқлифт» Ўзбекистон-Россия қўшма корхонасида бўлдилар.

Шу куни Виктор Черномирдин ва унинг ҳамроҳлари Самарқанддан Москвага жўнаб кетди.

Самарқанд аэропортида меҳмонларни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов, вилоят ҳокими Пўлат Абдураҳмонов ва бошқа расмий кишилар кузатиб қолдилар.

Шу куни Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Самарқанддан Тошкентга қайтиб келди.

**(ЎзА).**

## ҚЎШМА АХБОРОТ

Россия Федерацияси ҳукумати Раиси В.С. Черномирдин 1995 йил 26-28 июль кунлари расмий ташриф билан Тошкентда бўлди. Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов билан учрашув ва музокаралар чоғида кўп муаммолар бўйича қизиқиш билан чуқур фикр алмашилди. Томонлар бир-бирини ўз мамлакатларида амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар ва демократик янгиланишлар жараёни билан таништириб, икки томонлама муносабатларни, МДҲ доирасида икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорлик масалаларини батафсил муҳокама қилдилар. Айрим халқаро масалалар, жумладан Марказий Осиё минтақасидаги вазият ҳам муҳокама қилинди.

Ўзбекистон ва Россиянинг 1992 йил 30 майдаги Давлатлараро муносабатлар асослари, дўстлик ва ҳамкорлик ҳақидаги шартнома қоидаларига мувофиқ ҳар томонлама ўзаро ҳамкорлик ва яқин шерикчиликни ривожлантириш борасидаги йўли қатъий экани тасдиқланди. Бу йўл иккала мамлакат халқларининг туб ва узоқ муддатли манфаатларига мос экани, тинчлик, барқарорлик ва минтақавий хавфсизликка хизмат қилишига ишонч таъкидланди.

1994 йил март ойида Москвада олий даражадаги учрашувда эришилган аҳдномаларни амалга ошириш масалалари батафсил қараб чиқилди. Томонлар биргаликда қилинган амалий ишлар иккала мамлакат ўртасидаги дўстона муносабатларни, сиёсий, иқтисодий, ҳарбий ва бошқа соҳалардаги ҳамкорликни мустаҳкамлашга кўмаклашганини мамнуният билан қайд этдилар. Шу билан бирга, иккала томонда ҳам мавжуд бўлган ўзаро ҳамкорлик имкониятларидан ҳали тўла фойдаланилмаётгани таъкидланди. Икки томонлама алоқаларни бутунлай янги босқичга кўтаришга имкон берадиган қўшимча чора-тадбирлар белгиланди. Шу ўринда Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги ҳамкорликнинг устувор вазифаларига алоҳида эътибор қаратилди. Томонлар икки томонлама муносабатларда иқтисодий иттифоқ тузиш ҳақидаги шартнома қоидаларини амалга ошириш, умумий иқтисодий маконни барпо қилишни тезлаштириш, иккала мамлакатда иқтисодий вазиятни барқарорлаштиришда давлатлараро ҳамкорликни мустаҳкамлаш муҳим эканини таъкидлаб, иқтисодий ва савдо муносабатларини ривожлантириш ҳамда чуқурлаштиришга қаратилган биргаликдаги саъй-ҳаракатларни давом эттириш, интеграция жараёнларига кўмаклашиш, ўзаро савдо-сотиқ йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш ва ҳамкорликда хўжалик юритиш учун мақбул ҳуқуқий режим барпо қилиш истагини билдирдилар.

Ишлаб чиқариш ва иқтисодий алоқаларнинг имкон қадар кўпроқ тикланиши, кооперациянинг сақлаб қолиниши ва ривожлантирилиши, қўшма корхоналар, молия-саноат гуруҳларининг барпо этилиши ва уларнинг фаолият кўрсатиши иккала давлат ва уларнинг фуқаролари манфаатларига тўла мос келиши қайд этилди. Ўзбекистон ва Россия хўжалик субъектлари ўртасидаги бевосита алоқаларни мустаҳкамлашга ҳар томонлама кўмаклашиш, ўзаро товар етказиб бериш ҳажмини ошириш мақсадга мувофиқ экани эътироф этилди.

Савдо-иқтисодий муносабатларнинг шартномавий-ҳуқуқий асосини мустаҳкамлаш мақсадида томонлар 1996—1997 йилларда иқтисодий ҳамкорликнинг асосий принциплари ва йўналишлари, «Ильюшин» транснационал молия-саноат қўшма гуруҳини барпо этиш, Россия рубли ва Ўзбекистон сўмининг ўзаро алмаштирилиши ва уларнинг қийматини барқарорлаштиришни таъминлаш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида ҳукуматлараро битимларни имзоладилар.

Ўзбекистон томонининг Беларус, Қозоғистон ва Россия ўртасида тузилган бож иттифоқига қўшилишга тайёр эканини изҳор этгани билан боғлиқ масалалар қараб чиқилди. Томонлар иккала мамлакат вазирлик ва идораларининг масъул вакилларидан иборат ишчи гуруҳи доирасида бу масалани фаоллик билан ўрганишни давом эттиришга келишиб олдилар.

Ҳарбий ҳамкорлик масалаларини муҳокама этиш чоғида томонлар 1992 йил 15 майдаги коллектив хавфсизлик ҳақидаги шартноманинг муҳим аҳамиятини таъкидлаб, шу асосда мустақил давлатлар ҳамдўстлиги коллектив хавфсизлиги тизимини барпо этиш фикрини баён қилдилар. Томонлар ҳарбий-техник ҳамкорликни янада ривожлантиришга келишиб олдилар.

Музокараларда илмий, техник, маданий ва ижтимоий ҳамкорликни ривожлантиришни янада чуқурлаштириш, иккала мамлакат ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг ҳамкорлик қилиши масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Томонлар олий таълим соҳасида ҳамкорлик қилиш, илмий-техник ҳамкорлик, «Супа» халқаро радиоастрономик обсерваториясини ташкил этиш, жиноятчиликка қарши курашда ҳамкорликни кучайтириш тўғрисида ҳукуматлараро битимларни имзоладилар.

Иккала мамлакат Ташқи ишлар вазирликлари ўртасида ҳамкорлик дастури имзоланди.

Минтақадаги вазиятни муҳокама қилиш чоғида томонлар Ўзбекистон ва Россиянинг Марказий Осиёда тинчлик ва барқарорликни таъмин этиш мақсадида ҳамкорликни ва ҳаракатларни мувофиқлаштиришни бундан буён ҳам давом эттириш истагини таъкидладилар. Шу муносабат билан Тожикистондаги можарони сиёсий йўл билан тезроқ бартараф этиш, бу мамлакатда тинчлик, барқарорлик ва миллий тотувликка эришишга қаратилган биргаликдаги яхши ҳамкорликни давом эттириш муҳимлиги алоҳида таъкидланди.

Томонлар сентябрь ойида Тошкентда ўтадиган Марказий Осиёда ҳамкорлик ва хавфсизлик масалалари бўйича семинар-кенгашнинг аҳамиятини қайд этдилар.

Ташриф самимий, амалий вазиятда ўтди. Томонлар унинг натижаларидан мамнун эканликларини, бу учрашув иккала мамлакат ва халқлар ўртасидаги анъанавий дўстона алоқаларни янада мустаҳкамлашга хизмат қилишига ишончини баён этдилар.

## СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ ҒАЛЛАКОРЛАРИГА

***Азиз дўстлар!***

***Она-Ватан хазинасига 175 минг тонна дон топшириб, йиллик режани шараф билан уддалаганларингиз билан чин қалбимдан самимий табриклайман.***

***Сирдарёнинг беҳудуд серҳосил заминида мардонавор меҳнатингиз билан мўл ҳосил етиштириб, мамлакатимизда ғалла мустақиллигини таъминлашда ўзларингизнинг муносиб ҳиссаларингизни қўшдингизлар. Бу эзгу саъйҳаракатингизнинг самараси натижасида дастурхонимиз файзи ва баракаси бўлган нонимиз ҳамиша бус-бутун бўлғай!***

***Ишончим комилки, азиз биродарлар, сизлар мустақиллигимизнинг тўртинчи йилида ҳам халқ хўжалигининг барча соҳаларида улкан муваффақиятларни қўлга киритасизлар. Бу борада барчангизга сиҳат-саломатлик, омонлик, бахту саодат ҳамиша ёр бўлсин!***

**Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ.**

## СИРДАРЁ ҒАЛЛАКОРЛАРИНИНГ ҒАЛАБАСИ

Сирдарё вилояти ғаллакорлари катта зафар қучдилар. Давлат хирмонига 175 минг тонна сара дон тўкилди. Суғориладиган ерларда ҳосилдорлик гектар бошига 27,1 центнерни ташкил этди. Бу — ўтган йилдагига қараганда салкам 5 центнер кўпдир. Ғалабага Оқолтин, Боёвут, Сайхунобод, Сирдарё, Мирзаобод туманлари меҳнат аҳли салмоқли ҳисса қўшди.

Ғаллакорлар етиштирилган барча ҳосилни нес-нобуд қилмай йиғиштириб олиб, ялпи хирмонни 220 минг тоннага етказиш учун зўр ғайрат билан меҳнат қилмоқдалар.

**(ЎзА).**

## ТАЪСИС ҚУРУЛТОЙИ

***28 июль куни пойтахтдаги «Туркистон» саройида Ўзбекистон Банклари ассоциациясининг таъсис қурултойи бўлди. Унда республика тижорат банкларидан 600 нафарга яқин делегат, халқаро молия ташкилотлари ҳамда хорижий банкларнинг Ўзбекистондаги ваколатхоналари вакиллари қатнашди.***

Анжуманни республика Бош вазирининг ўринбосари Б. Ҳамидов очди ва мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг қурултой қатнашчиларига йўллаган табригини ўқиб эшиттирди.

Юртбошимизнинг республика Олий Мажлиси биринчи сессиясида сўзлаган нутқида, яқинда чоп этилган «Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида» китобида барча соҳалардаги каби банк тизимига ҳам иқтисодий ислоҳотларнинг иккинчи босқичида бажарилиши лозим бўлган вазифалар белгилаб берилди. Ислоҳотнинг дастлабки босқичида банк тизими соҳасида бир қанча ибратли ишлар амалга оширилган эса-да, бозор иқтисодиётининг иккинчи босқичига ўтиш палласида бу жабҳада ҳам муаммолар йўқ эмас. Ушбу муаммоларни ҳал этмай туриб ислоҳотларнинг янги поғонасида белгиланган вазифаларни самарали амалга ошириш, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини тугал шакллантириш, жаҳон иқтисодий тизими билан интеграциялашиш мумкин эмас. Республика ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки бошқаруви раиси Р. Азимов «Ўзбекистон банк тизимини ривожлантиришда жаҳон даражасига эришиш — иқтисодий ислоҳот ҳозирги босқичининг муҳим вазифаси» мавзуида қилган маърузасида ана шулар ҳақида сўзлади.

Ўзбекистон Банклари ассоциациясининг Низоми ҳамда «Ўзбекистон банк тизимини жадал ривожлантириш комплекс дастури» тасдиқланди.

Анжуманда ташкилий масала кўрилди. Р. Азимов Ўзбекистон Банклари ассоциацияси кенгаши раиси этиб сайланди.

Қурултой қатнашчилари Ўзбекистон Республикаси Президенти номига Мурожаатнома қабул қилдилар.

Анжуман ишида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси бюджет, банк ва молия масалалари қўмитасининг раиси А. Аҳадов иштирок этди.

Таъсис қурултойи сўнгида маҳаллий ва хорижлик журналистлар учун матбуот конференцияси ўтказилди.

* * *

Шу куни янги таъсис этилган Ўзбекистон Банклари ассоциацияси билан Европа Тикланиш ва тараққиёт банки ўртасида ҳамкорлик тўғрисида меморандум имзоланди. Уни ассоциация кенгаши раиси Р. Азимов ҳамда Европа Тикланиш ва тараққиёт банкининг биринчи вице-президенти Р. Фриман имзолади.

Маросимда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Б. Ҳамидов, Марказий банк раиси Ф. Муллажонов қатнашди.

**(ЎзА).**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ АБДУҒАНИЕВИЧ КАРИМОВГА

*Биз, Ўзбекистон Банклари ассоциациясининг таъсис қурултойи қатнашчилари Сизга, ҳурматли Ислом Абдуғаниевич, йўллаган табригингиз ва билдирган яхши тилакларингиз учун самимий миннатдорлик изҳор этамиз.*

*Ўзбекистон Банклари ассоциациясининг тузилиши Сизнинг Олий Мажлис биринчи сессиясида Ўзбекистоннинг банк, молия, кредит тизимини жаҳон даражасига етказиш юзасидан қўйган вазифангизни бажариш йўлидаги муҳим қадамдир. Шу мақсадда биз Ўзбекистон банк тизимини ривожлантириш программасини ишлаб чиқдик ва тасдиқладик, унда банк кадрлари тайёрлашни тубдан такомиллаштириш, банк инфраструктурасини ривожлантириш ва унинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, компьютерлаштириш ва банклараро телекоммуникация тизимининг янги ютуқларидан фойдаланиш кўзда тутилган.*

*Маълумки, бозор ислоҳотларининг муваффақияти кўп жиҳатдан банк тизимининг миллий иқтисодиётни барқарор ва жадал ривожлантиришни таъминлашда, унинг тузилмасини қайта қуришда, ишлаб чиқаришни оптималлаштириш ва бошқа устивор вазифаларни бажаришда етакчи кучлардан бирига айланишига боғлиқ. Ўзбекистон Банклари ассоциациясининг бутун куч-ғайрати ана шу мақсадларга эришиш учун сафарбар этилади.*

*Сизни ишонтириб айтамизки, ҳурматли Ислом Абдуғаниевич, Ўзбекистон банкчилари келажаги буюк давлат — севимли Ватанимизнинг гуллаб-яшнаган иқтисодиётини бунёд этиш йўлида бор куч-ғайратларини сарфлайверадилар!*

**Ўзбекистон Банклари ассоциацияси таъсис қурултойи делегатлари.**



***Томас КАРЛБЕРГ:***

## «ЮНУСОБОД»КОРТИ ЯХШИ ТААССУРОТ ҚОЛДИРДИ

Шу йил 28 августдан 3 сентябргача теннис бўйича «Президент кубоги» халқаро мусобақалари бўлиб ўтади. Ҳозир шу мусобақага қизғин тайёргарлик бормоқда.

ПРОФЕССИОНАЛ теннисчилар ассоциациясининг супервайзери Томас Карлберг (Швеция) Президент кубоги учун ўтказиладиган иккинчи мусобақага тайёргарликни кўздан кечирувчи инспекция таркибида Тошкентда бўлди.

РАСМИЙ кузатувчи турнирнинг бош ҳаками Данни Гелли (Исроил) билан «Юнусобод» теннис стадионини бориб кўрди. Бу ерда катта ракетка усталарининг мусобақалари бўлиб ўтади. Томас Карлберг Президент кубоги ташкилий қўмитаси аъзолари билан биргаликда бу ердаги базани кўздан кечирди, асосий эътиборни кортларнинг ҳолатига қаратди.

— Мен бу ерга ўтган йили Президент кубоги мусобақалари хусусида Профессионал теннисчилар ассоциациясига ёзган ҳисоботимда тилга олинган масалалар қай даражада ҳал этилганлигини аниқлаш учун келганман, — деди жаноб Карлберг. — Шуни таъкидлаш жоизки, ўтган бир йил давомида катта ижобий ўзгаришлар юз берибди. Муҳими — кортларнинг сифати анча яхшиланган. Марказий ва биринчи корт ҳозирданоқ яхши ҳолатга келтирилган. Умуман, ҳамма кортларни мунтазам суғориб туриш, узлуксиз кузатиш зарур.

Сўнгра инспекция гуруҳи Ҳиндистоннинг «Тата» фирмаси Тошкент шаҳрининг марказида барпо этган меҳмонхонани бориб кўрди. Меҳмонхонанинг бош муҳандиси Рустам Тошматов меҳмонларни «ўз хўжалиги» билан таништирди. Томас Карлберг янги меҳмонхонанинг шинам хоналари теннисчиларни тўла қаноатлантиради, дея фикр билдирди.

**С. ДАНИЛОВ.**

## ТАДБИРЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

Бухоро вилоятида анъанавий туманлараро текшириш ишлари бошланди. Ғиждувон тумани вакиллари Жондор тумани жамоа хўжаликларида, чорвачилик фермалари ва деҳқон хўжаликларида бўлди.

Ўзаро текширув якунларига бағишланган йиғилишда йўл қўйилган камчиликларга тезда барҳам бериш борасида чора-тадбирлар белгиланди.

Бухоро вилояти ҳокими М. Раҳмонов йиғилишда сўзга чиқди.

**(ЎзА).**

